

O'ZBEKISTON



OVOZI

IJTIMOIY-
SIYOSIY
GAZETA

• 2006-yil • 19-yanvar • Payshanba • 8 (27.500) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

АЗИЗ ЎЗБЕКИСТОН — БАРЧАМИЗНИКИ!



Азалдан мана шу қадимий ва муқаддас Ўзбекистон заминид турли маданият ва цивилизациялар вакиллари ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликда яшаб келгани халқимиз табиғига хос бўлган меҳр-оқибатлик, тинчликсеварлик, очиқлик ва саховатпешалик каби ноёб фазилатларнинг янада кучайишида муҳим омил бўлди, десак асло хато бўлмайди.

Ислом КАРИМОВ



Ўз мустақиллигининг 15 йиллик қутлуғ тўйига қизгин ҳозирлик қўраётган Ўзбекистонимиз дунёдаги энг кўп миллатли, элатли мамлакатлардан ҳисобланади. Бу ерда ўзбеклар билан биргаликда рус, қозоқ, тожик, татар, озарбойжон, арман, қирғиз, украин, белорус, латин каби юздан зиёд миллат ва элат вакиллари бир оила фарзандларидек, бир жон, бир тан бўлиб яшаб келишмоқда, мамлакатимиз буюк келажакни яратиш йўлида сидқидилдан меҳнат қилишмоқда. Қайси соҳани олмайлик, йирик-йирик санат корхоналаридан тортиб, илмий муассасалар,

жамоат ташкилотларида, давлат идоралари раҳбарлик лавозимларида турли миллат вакиллари хизмат қилаётганини кўрамиз.

Бугун ўзининг фидойи меҳнати билан эл-юрт ҳурмат ва эҳтиромига сазовор бўлган Ўзбекистон Қаҳрамонларини олайлик — Абдулла Орипов, Вера Борисовна Пак, Николай Иванович Кучерский, Серекбай Жужасарович Сағатов, Тулепберген Қайибергенов...

Ёки мамлакатимизни дунёга танитиш ва шуҳратини оламга ёйишда катта ҳисса қўшаётган спортчиларимизни кўз олдимизга келтирайлик: Мухаммадқодир Абдуллаев, Артур Григорьян, Руслан Чагаев, Оксана Чусовитина, Артур Таймазов, Александр Доктуровицкий, Дилшод Мансуров, Равил Начаев, Магомед Ибрагимов... Турли миллат вакиллари, лекан ҳаммаси Ўзбекистон фарзандлари!

Мамлакатимиз Президенти Ўзбекистон халқига Янги йил табриғида ўтган йил осон бўлмагани, кўпгина оғир синовлар, юртимизга қарши четдан ташкил қилинган ҳамла, бўҳтон ва тўхматларни бошимиздан кечирришга тўғри келгани ҳақида тўхталаркан, шундай деди: «Яратганимизга минг шукроналар

бўлсинким, мана шундай ўта таҳликали ва оғир вазиятда биз юртимизда тинчлик ва оқсоқликни сақлашга, гаразли хуруж ва офатларни енгишга эришдик».

Юртбошимиз кўп марта таъкидлаганидек, тинчлик, оқсоқлик, эришаётган ютуқларимиз замирида, энг аввало, халқимизнинг бағрикенглиги, аҳиллиги, бирдамлиги ётибди.

Миллатлараро бу аҳиллик, тотувликнинг илдизи мустақил юртимизда миллий ҳамда диний соҳаларда олиб борилаётган изчил ва қатъий сиёсатга бориб тақалади. Миллий муносабатларга эътиборнинг энг ёрқин намуналаридан бири 1992 йилдаёқ Республика Байналмилал маданият марказининг ташкил этилгани бўлди.

— Бугун мамлакатимизда республика, вилоят ва туман миқёсида 140 дан зиёд миллий-маданий марказлар фаолият кўрсатмоқда, — дейди Республика Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Мухаммадиев. — Марказимизнинг асосий вазифаси турли миллатларнинг маданиятларини ривожлантириш баробарида миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, шу орқали юртимизда тинчлик ва бар-

қарорликни таъминлашга ҳисса қўшиши. Бунинг учун кенг имкониятлар яратилган...

Дарҳақиқат, мамлакатимизда истиколат қилаётган турли миллат вакиллари ўз тили, дини, урф-одатларини қадрлашлари, ўзлари хоҳлаган касбни эмин-эркин танлашлари, ўз истеъодларини намойиш этишлари учун тўла ҳуқуққа эга! Бу ҳуқуқ ва эркинликлар мамлакатимиз Конституциясининг 18-моддасида «Ўзбекистон Республикасида барча фуқаролар бир хил ҳуқуқ ва эркинликларга эга бўлиб, жинси, irqи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий давридан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар», дея қаролатилган. Бу умуминсоний, демократик тамойиллар ҳаётда ўз аксини топаётганини ҳар биримиз кўриб-билиб турибмиз. Муқаддас Ўзбекистон — шу азиз Ватан барчамизники!

Газетамизнинг иккинчи саҳифасида мамлакатимизда яшаб, меҳнат қилаётган турли миллат вакиллари билан бир гуруҳининг юртимиздаги миллий тотувлик ҳақидаги фикрлари билан танишасиз.

2-бет

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Кунни кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раиси Аслиддин РУСТАМОВ олиб борди.

Депутатлар дастлаб «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси масаласини муҳокама этдилар. Иккинчи ўқишда депутатлар ҳужжат ҳавола этилаётган ушбу ҳужжат лойиҳаси ҳақида Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзоси Фахриддин Ражабов ахборот берди.

Лойиҳадаги қатор моддаларда кредит уюшмалари аъзолари ва инвесторлар манфаатлари ҳимояси ўз ифодасини топган. Лойиҳа биринчи ўқишда қабул қилинганидан сўнг, фракция аъзолари ушбу юзасидан билдирилган бир неча тақлифларни масъул қўмитага топширган эди. Аммо лойиҳани иккинчи ўқишга тайёрлаш чоғида билдирилган мулоҳазалар ўз ифодасини топмади.

— Тақлиф этилаётган қонун лойиҳаси билан «Кредит уюшмалари тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддасига «Кредит уюшмалари Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида белгиланган тартибда филиаллар ташкил этиши мумкин», деган норма киритилапти. Ҳаммамизга маълумки, Фуқаролик кодексининг 47-моддасига биноан ҳар бир ташкилот ёки ҳўжалик ишга шўжуба субъекти филиал очши мумкин. Филиал бу юридик шахс эмас. Шунинг учун Марказий банк бундай тартибни белгилаб бериши ҳам мақсадга мувофиқ бўлмайди. Сабаби, филиал ташкил этиш бу корхона, ташкилотнинг ҳуқуқидир. Демак, унинг ҳуқуқи билан

боғлиқ масалани Марказий банк белгилаб бериши тўғри бўлмайди, шунинг учун ушбу нормани қонун лойиҳасидан чиқаришни тақлиф этиш фракция аъзолари томонидан келишиб олинди.

Ушбу қонун лойиҳаси юзасидан бир қатор фикрлар ҳам билдирилиб, узоқ баҳс-мунозараларидан сўнг, муайян мулоҳазалар Қонунчилик палатаси мажлисида ҳимоя қилинишига келишиб олинди.

«Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси (иккинчи ўқиш) ҳақидаги масала ҳам депутатлар эътиборига ҳавола этилди. Унда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга бир қатор энгиллик ва қулайликлар яратиш бўйича амалдаги қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш назарда тутилди. Бу масала бўйича Саноят, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси аъзоси Шавкат Каримов ахборот берди.

Ийгиликда, шунингдек, фракция аъзоларининг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқини амалга ошириш масаласи тўғрисида ҳам сўз юритилди. Тузилган янги қўйлар асосида Ўзбекистон ХДП асосий электоратини ташкил этувчи фуқароларнинг манфаатлари нуктаи назардан қонунлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳлари тузилди.

Ийгиликда, фракция ваколатларига тегишли бошқа, жумладан, халқаро муносабатлар билан боғлиқ масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан фракциянинг нуктаи назари белгилаб олинди.

Беход ШУКУРОВ

ЎзХДП янгиликлари

«ИСТИҚБОЛ» ОЛИС ҚИШЛОҚЛАРГА ҲАМ КИРИБ БОРСА...

Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши қошидаги «Истиқбол» ёшлар қанотининг таъсис конференцияси бўлиб ўтди. Унда вилоятдаги қатор олий ва ўрта махсус ўқув юрталари талабалари, партия аъзолари ва ушбу ҳаракатга хайрихоҳлар иштирок этишди.

Анжуман иштирокчилари таъкидлаганидек, мамлакатимизда келажак бунёдкорлари — ёшларнинг маънавияти, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий салоҳиятини юксалтиришга қатъий эътибор қаратилмоқда. Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг билим олиши, ҳунар ўрганиши, ўзлари севган машғулот турлари билан шуғулланиши учун керакли барча шарт-шароитлар яратилмоқда. Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, сафарини иқтидорли, билимли, ижтимоий фаол ёшлар билан кенгайтириш учун уларнинг манфаатларини ҳимоялаш йўлида астойдил ҳаракат қилмоқда.

18 ёшдан 30 ёшгача бўлган партия аъзолари ва партияга хайрихоҳ ёшларни ўз атрофи-га жиғлаштираётган «Истиқбол» ёшлар қаноти ҳам ана шу ҳаракатларнинг самараси. Қизгин баҳс-мунозаралар

асосида ўтган таъсис конференцияда ёшлар қанотининг мақсад ва вазифалари атрафлича муҳокама этилди. Ташкилотнинг келгусидаги фаолияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Латиф ТЕМИРОВ, Пастдарғом тумани, фермер:

— Узоқ қишлоқ ёшларининг вакили сифатида шунга айтмоқчиманки, «Истиқбол» чекка-чекка қишлоқларга ҳам кириб бурса. Қишлоқ ёшларининг муаммоларини, орзу-умидларини яқиндан танишса, уларга амалий ёрдам бурса. Шундагина унга ишонч ортади, ташаббус тезда ёшларнинг ҳақиқий қанотига айланади.

Жаҳонгир ИБРАГИМОВ, Самарқанд давлат университети талабаси:

— Ташкил этилган «Истиқбол» ёшлар қаноти ўз атрофида ёшларни жиғлаштириб, нафақат муаммолар, балки ана шу муаммоларни юзасига келтирадиган иллатларга қарши курашишда астойдил ҳаракат қилмоғи лозим, деб ўйлайман. Шу ўринда бир тақлифни «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти эътиборига ҳавола этмоқчимиз. Жойлардаги «Истиқбол» ёшлар қанотининг фаолияти газеталарда кенгрок ёритиб борилса.

Таъсис конференция сўнггида Ўзбекистон ХДП «Истиқбол» ёшлар қанотининг Самарқанд вилоят бўлими тузилди. Делегатлар орасидан ёшлар қаноти раҳбарияти ҳамда республика қурултойтига делегатлар сайланди.

ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши қошидаги «Фаол аёллар» қанотининг «давра суҳбати» бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Конституциямининг 13 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифалар ҳамда Янги йил табриғида кўтарилган масалалар бўйича «Фаол аёллар» қаноти олдида турган муҳим вазифалар, амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳусусида сўз юритилди. Шунингдек, ҳамиятда хотин-қизларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, яшаш шароитларини яхшилаш, ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалалар муҳокама этилди.

Тадбирларда ЎзХДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари Гулруҳ Аъзамова иштирок этди ва сўзга чиқди.

Шухрат ҚАРШИЕВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири

БИР ЖОНУ БИР ТАНМИЗ — ЎЗБЕКISTONMIZ!

Тянь-Шандан Орол қадар сочилган элим,
Биринг гавҳар, биринг ёқут, биринг маржонсан.
Юртдошларим — минг рангларда очилган гулим,
Биринг юлдуз, биринг ойу биринг осмонсан.
Кўкка учсанг қанот бўлсин дўстлик, садоқат,
Ёв келса гар бир мушт бўлган сохибқиронсан.
Турфа миллат яшар қайноқ бағрингда Ватан,
Бир дарёдан сувлар ичган минг бир жайронсан.
Бир тану жон қардошимсан, кўкам, орқадош,
Биринг тожик, рус, украин... озарбойжонсан.
Хўр давлатим мангу тарих битикларида,
Олтин билан ёзилажак сохиб унвонсан.
Оллоҳ бизга сўйлаб берган шу жаннат юртини,
Асрамоққа биринг қилич, биринг қалқонсан.
Садоингман, жоним элим, дўсту қардошим,
Ўзбекистон, бизнинг мангу Ўзбекистонсан!..

Шамсиддин САДОЙИ

Бугуннинг гапи!

КОРХОНА ВА КАСАНАЧИ

ўртасидаги кооперация алоқалари ишлаб чиқариш ва хизматлар ривожига нималар беради? Ёки у мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётида қандай муаммоларни ҳал этади?

Президентимизнинг шу йил 5 январдаги «Йирик саноят корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосида ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада жуда катта аҳамиятга эга.

Биласиз, бунда касаначиликнинг менталитетимизга хос: тикувчилик, тўқимачилик, чиннисозлик, наққошлик, мисгарлик, сандиксозлик, қошиқчилик, атторлик, хаттотлик, дурадгорлик, этиқдўзлик, қандолатчилик сингари турли хил шакллари азал-азалдан мавжуд. Ота-боболаримиз ва буви-момоларимиз орасида бу меҳнат турларининг ўз устазодалари, чеварлари бўлишган.

Бугунги кунда касаначилик меҳнати турлари қаторига шиддат билан кетаётган замон талабларига мос — қайта ишлаш ва электрон санояти, телекоммуникация, сервис ҳамда хизмат кўрсатиш тармоқлари юмушлари ҳам кириб келмоқдаки, бу ҳол ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида шубҳасиз, йирик саноят корхоналари ишлаб чиқариш фаолияти самарадорлигини оширишга салмоқли ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг демократия ва аҳоли турмуш даражаси бошқаримини бошқариш Забиҳулло НОСИРХУҲАЕВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

TOSHKENT
XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI — MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR
MUNITSIPAL BIJIRI MARKAZI
MULKDORGA HANKORI!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, факс: 133-20-74
WWW.tshbmb.uz E-mail: info@tshbmb.uz va Bijira@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

3-бет

